



ЁШЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИДИР!

Д.О.Файзуллаев

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10644141>

ARTICLE INFO

Received: 01st February 2024

Accepted: 05th February 2024

Published: 07th February 2024

KEYWORDS

ёшлар, давлат, жамият,
ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик

ABSTRACT

ушбу мақолада ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифалари ҳақида олимлар ва амалиётчилар фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жиноятчиликка қарши курашиш ҳар бир давлатнинг муҳим ва асосий вазифаси ҳисобланади. Инсон тинч ва хотиржам яшашни хоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида”, “Ёшларни зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида Президентимизнинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев тўмонидан 2023 йил 11 сентябрь куни қабул қилинган ПФ-158-сонли “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисидаги фармонига асосан, 2030 йилга қадар мамлакатимизда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, улар томонидан жиноятлар содир этилишини олдини-олиш юзасидан вазирлик ва идораларга топшириқ ва вазифалар белгиланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўплаб муҳим масалалар қатори ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкинлиги, жумладан Ички ишлар вазирлиги томонидан берилаётган ҳисоботлардан хулоса қиладиган бўлсак, бугун ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сирасига – ўғирлик, талончилик, босқинчилик ҳамда бошқа оғир турдаги жиноятлар содир этилиши ҳолатлари камайганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда жиноятчилик ва уни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу

йўналишда ёшларнинг жиноятчилик йўлига ўтишларининг олдини олишга катта эътибор қаратиляпти. Тадқиқотлар натижасида ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишнинг ташкилий ва ҳуқуқий чораларини белгилаш ва ҳал этишда бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, ота-оналар томонидан фарзандларининг таълим муассасаларида таълим олишини педагогик назорат қилиш даражаси паст эканлиги, жумладан қишлоқ жойларида таълим муассасаларининг етарли эмаслиги, ёшлар (14-30 ёш) билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг масъуллик даражасини белгиловчи ва уларга мажбурият юкловчи қонун нормаларининг ягона тизими мавжуд эмаслиги ҳамда ёшларнинг асосий бўш вақтлари билим олиш билан эмас балки ижтимоий тармоқларда ўтаётганлиги шулар жумласидандир. Жамиятдаги барча ножўя ҳолатлар, жумладан, оиладаги нотинчликлар, таълим муассасалари ишидаги ва бошқа соҳалардаги камчиликлар ёшларнинг нормал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларнинг кўпчилиги бўш вақтларини кўчада ўтказишаётганликлари, уларни келажак ҳаётга ота-оналари эмас балки, кўча муҳити тарбиялаб келаётганлигини кузатмоқдамиз. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун авваламбор, ёшларимизга таълим-тарбия бериш ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик аҳволини белгилашда уларнинг юзага келишига таъсир этувчи омилларни инобатга олиш, у ёки бу ҳудудда маълум бир турдаги, айниқса, оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи жиноятларнинг сабабларини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги статистик маълумотларга қараганда, ёшлар ўртасида жиноят содир этиш 2024 йил мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоизга, вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш эса 23 фоизга камайган. Бироқ, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг сақланиб турганлиги барчамизни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бутун жамиятнинг вазифаси. Тадқиқотлар аксарият жиноятчиларнинг шахси дастлаб тарбиясизлик оқибатида шаклланишини кўрсатмоқда. Тарбияси оғир ўсмир – ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож бўлган шахсдир. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жиноятчига айланишининг олдини олиш, шунингдек, жамият билан нормал алоқаларини тиклаш, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз раҳбари томонидан билдирилган қуйидаги фикрларни мисол қилиб олсак бўлади. Яъни, **“Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак”¹.**

¹ Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар орасида экстремизм ва радикализмни тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари!. *евразийский журнал академических исследований*, 4(1 part 2), 97-103.

Агар жиноятларни профилактика қилишнинг ихтисослашмаган субъектлари зарарли таъсир манбаларини бартараф этиш чораларини ўз вақтида кўрмасалар, тарбияси оғир ўсмирлар педагогик ва ижтимоий беқарорликнинг навбатдаги босқичига ўтадилар. Агар ўсмир биринчи ноўрин ҳаракати (хуқуқбузарлик ҳамда жинояти) учун жазо олмаса, унда қонун талабларига беписандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одати ривожланади. Ёшларнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан хуқуқбузарлик содир этганидан кейин тушишлари улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги муҳим муаммолардан биридир².

Ёшларнинг ғайриижтимоий мойиллигини дастлабки босқичда профилактика қилишга нисбатан юзаки ёндашиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ўзига хос профилактика чораларидан бири хуқуқбузарлик ҳамда жиноят содир этаётган ёшларнинг ота-оналарини (ҳомий ёки васийларини) ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик юзасидан расман огоҳлантиришдир³. Ота-оналарнинг болалар тарбиясига масъуллиги Конституциямизнинг 77-моддасида қайд этилган. Унга кўра ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Бироқ сўнгги пайтда ота-оналар орасида фарзанднинг тарбиясига ўқув муассасаси жавобгар деган фикр авж олмоқда. Ваҳоланки, фарзанднинг тарбияси биринчи ўринда ота-онаси учун муҳим. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил қилинганда, ота-оналарнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз эканлиги, 48,7 фоизи болаларини етарли даражада тарбиялай олмасликлари аниқланди⁴.

Фарзанд ниҳолга ўхшайди. Уни ёшлигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда албатта оила, маҳалла, жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга. Ўзи, оиласи, халқи, маънавий илдизлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кўчасига қадам босмайди. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчини сидқидилдан бажариши лозим⁵.

2024 йил 05 февраль куни мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган йиғилишда, мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим вазирликлари билан биргаликда Республика илмий-методик маркази ва лойиҳа офисига мактабларда математика, физика, кимё, биология ва хорижий тиллар бўйича ўқув режа ва дастурларини халқаро стандартлар асосида янгилаш, шунингдек, ўқувчилар билими, таҳлилий, танқидий ва креатив фикрлаши, муаммоларга ечим

² Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.

³ Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.

⁴ Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *journal of innovations in scientific and educational research*, 5(4), 240-247.

⁵ Файзуллаев, Д. (2024). ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятларининг назарий тушунчалари!. *евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 171-177.

топиб, амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув методикаларини ишлаб чиқиш топширилди. Бунда, тан олинган хорижий дастурлар (A-level, IB каби), ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолашда халқаро тажрибалар (PISA, TIMSS, PIRLS) босқичма-босқич жорий этилиши ҳамда жорий йилда Президент мактаблари таълим дастури яна мингта мактабда бошланишлиги топшириғи берилди. Ушбу таълим дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳокимлар уларни моддий-техник базасини яхшилашга масъул бўлишлари белгилаб қўйилди⁶.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни кескин камайтириш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди. Глобаллашув жараёнлари ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланиб келинаётганлиги, бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур деди президентимиз Ш.М.Мирзиёев. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Навқирон авлод вакиллариининг ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, улар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Ҳозирги кунда Қуролли кучларнинг замонавий инфратузилмаси негизида ва мономарказларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар йўлга қўйилган. Давлат раҳбари бу йўналишдаги тадбирларни кенгайтириб, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ва меҳнат фаолиятини бошлаши учун субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, ёшларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш мақсадида медиа маконда олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни кучайтириш вазифаси қўйилди. Президентимиз раислигидаги йиғилишда ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш ва ижобий томонидан фойдаланиш бўйича ота-оналар ва ўқувчиларга содда тилда қўлланмалар яратиш муҳимлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, ёшларимизни мактабга мослашиш ва китобни севишга ўргатиш, яхши хулқли бўлиш, атрофидагилар билан мулоқот қилишни ўрганиш ва билим олишга кучли иштиёқни шакллантириш, касб танлаш, жамиятга мослашиш, катта ҳаётга қадам қўйишда фарзандларга қандай йўл-йўриқ бериш зарур, деган саволлар юзасидан ота-оналар учун халқчил тилда материаллар тайёрланадиган бўлди. *“Юқорида айтилган ташаббуслар амалиётда йўлга қўйилса, ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлади”* деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири, аввало, ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этилиши сабаб ва

⁶ <https://kun.uz/news/2024/02/05/yangi-oquv-yilida-prezident-maktablari-talim-dasturi-yana-1-mingta-maktabda-boshlanadi>

шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олдини олишни таъминлаш ҳисобланади.

Бинобарин, эл-юрт ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг муваффақияти, аввало, ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқ.

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда ички ишлар органлари соҳасини такомиллаштириш мақсадида 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинди.

Энг аҳамиятлиси, ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаслик каби эскича ёндашувларга буткул барҳам берилди. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек, ҳўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Ички ишлар органлари соҳасидаги энг муҳим вазифалардан яна бири ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка барҳам бериш мақсадида профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш ҳисобланади.

Чунки, “ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир”⁷.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикаси бўйича ишларни ташкил этишда ҳар бир идора ўз билганича иш тутиши, муаммоларнинг ечимига умумий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хозирги вақтда ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт амалга оширишда ички ишлар органларида амалиётга татбиқ этилган илғор тажрибалар ҳамда амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида жиноятчилик йилдан йилга камайишига эришилмоқда.

⁷ Қаранг: Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилidir. – Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган 2019 йилнинг 10 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган. Хусусан, ўғирлик, безорилик ва талончилик жиноятларининг аксарияти қош этилмасдан қолмоқда” деган танқидий фикрлар билдирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишида, жиноятчиликка, айниқса, унинг энг кўп содир этилаётган турларига, жумладан, ўғирлик, фирибгарлик, босқинчилик ва талончилик каби жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, энг аввало ушбу турдаги жиноятларнинг профилактикасини кучайтириш юзасидан юридик фан ҳамда амалиёт олдига янги вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 28 июль куни Фарғона вилоятида Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишида, жиноятчиликка, айниқса, унинг энг кўп содир этилаётган турларига, жумладан, ўғирлик, фирибгарлик, босқинчилик ва талончилик каби жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, энг аввало ушбу турдаги жиноятларнинг профилактикасини кучайтириш юзасидан юридик фан ҳамда амалиёт олдига янги вазифалар белгилаб берди.

Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан, ички ишлар органлари фаолиятига қўйилаётган асосий талаблардан бири ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашишнинг адолати ва ҳақиқатини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда⁸.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёевнинг таъбирлари билан айтганда, “Жаҳонда турли низо ва зиддиятлар авж олаётгани, терроризм, экстремизм балоси ва бошқа таҳдидлар интернет маконига чуқур кириб, мослашиб олганлиги мана шундай мураккаб шароитда ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада, аввало Ватан манфаатларини ўйлаб иш тутиши зарур. Илм-маърифат ва касб-хунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана

⁸ Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 25(2), 49-53.

шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак⁹.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар орасида экстремизм ва радикализмни тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари!. евразийский журнал академических исследований, 4(1 part 2), 97-103.
2. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(1), 61-69.
3. Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(Special Issue), 128-132.
4. Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. journal of innovations in scientific and educational research, 5(4), 240-247.
5. Файзуллаев, Д. (2024). ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятларининг назарий тушунчалари!. евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(1), 171-177.
6. <https://kun.uz/news/2024/02/05/yangi-oquv-yilida-prezident-maktablari-talim-dasturi-yana-1-mingta-maktabda-boshlanadi>
7. Қаранг: Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустақкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир. – Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.
8. Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 25(2), 49-53.
9. <https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-yoshlar-kelajagi-bilan-bogliq-har-qanday-vazifa-birlamchi-ahamiyatga-ega>

⁹ <https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-yoshlar-kelajagi-bilan-bogliq-har-qanday-vazifa-birlamchi-ahamiyatga-ega>